

## ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ А Ж Р И М И

2024 йил июнь ойининг 25 куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича кассация инстанцияси судлов хайъати, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья: С.Махаметов, хайъат судьялари: Т.Касимов ва М.Тургуновадан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси У.Норбоевнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори У.Мухсимов, маҳкум М.Қаршиев ва унинг ҳуқуқларини химоя қилувчи адвокат Н.Тошматовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2024 йил 16 апрелдаги ҳукмига кўра,

Қаршиев Музаффар Очилович (Qarshiyev Muzaffar Ochilovich), 1988 йил 16 декабрда Сурхондарё вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, ишламайди, судланмаган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бектўпи МФЙ, Алгоритм мавзеси, 18-уй, 801-хонадонда яшаган, иш бўйича 2024 йил 13 январь куни ЖПКнинг 224-моддаси тартибида ушланган, 2024 йил 14 январда ушлаб туриш жойидан озод этилган. 2024 йил 14 январь куни ЖПКнинг 227-моддаси тартибида ушланган ва жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2024 йил 15 январдаги ажрими билан “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 26 март куни олганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан адвокат Н.Тошматов томонидан келтирилган кассация шикоятига асосан жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Суднинг ҳукмига кўра, М.Қаршиев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддасининг 1-қисми ва 25,273-моддасининг 5-қисми билан айбли деб топилиб, унга:

ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан 1 (бир) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси;

ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан 10 (ўн) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан М.Қаршиевга узил-кесил ўташ учун 11 (ўн бир) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Тайинланган



жазони умумий тартибли колонияларда ўтатириш белгиланган.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг М.Қаршиевдан олинган:

- “Samsung A54” русумли телефон унинг яқин қариндошларига қайтариш;

- Ўзбекистон Республикаси ДХХ МСБда 2024 йил 13 мартдаги 06868-сонли қвитанция билан сақланаётган, ўтказилган судга оид кимёвий экспертиза тадқиқотида ишлатилганидан ортган, умумий вазни 10,89 грамм “гашиш” ва 5,77 грамм “опий” белгиланган тартибда йўқ қилиш;

- бир дона электрон тарози, 50 граммлик тарози тоши, куқунсимон модда белгиланган тартибда йўқ қилиш;

- бир дона DVD диск жинойт иши ҳужжатлари билан бирга сақлаш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи М.Қаршиев кўп миқдордаги гиёвандлик воситаларини келгусида ўтказиш мақсадини кўзламасдан қонунга хилоф равишда сақлаш мақсадида, 2024 йил 13 январь куни соат 18:05да Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Алгоритм мавзеси, 18-уй олдида тезкор ходимлар томонидан тўхтатилиб, ёни кўздан кечирилганда, эғнидаги шимининг ўнг олд томон қиссасидан бир дона шаффоф рангли полиэтилен пакетга ўралган соф вазни 0,38 грамм бўлган гашиш гиёвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сақлаб келгани аниқланган.

*Ўтказилган судга оид кимёвий экспертиза хулосасининг 2024 йил 14 январдаги №107-сонли хулосасига кўра, М.Қаршиевнинг ёнидан аниқланган 1 дона шаффоф рангли полиэтилен пакет ўрамида бўлган қўнғир рангли, ўткир ҳидли мумсимон модда таркибида фаол гиёванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, оғирлиги 0.38 грамм бўлган гашиш гиёвандлик моддаси эканлиги аниқланган.*

Бундан ташқари, судланувчи М.Қаршиев кўп миқдордаги гиёванд воситаларини қонунга хилоф равишда сотиш мақсадида, яшаш манзили бўлган, Чилонзор тумани, Алгоритм мавзеси, 18-уй, 801-хонадондаги ётоқхонаси кичик жавон (тумбочка)нинг тортмасидан 15 дона шаффоф рангли полиэтилен пакет ўрамида бўлган қўнғир рангли, ўткир ҳидли, соф вазни 10,79 грамм бўлган гашиш гиёвандлик воситаси, хонадон ошхонасидаги музлатгичдан бир дона шаффоф рангли полиэтилен пакет ичида қўнғир рангли ўткир ҳидли мумсимон модда соф вазни 5,92 грамм бўлган опий гиёвандлик воситасини, бир дона 50 граммлик тарози тоши, 1 дона қора рангли электрон тарози аниқланиб, судланувчи ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда жинойт мақсадини охирига етказа олмасдан кўп миқдордаги гиёвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотишга суиқасд қилиш жинойтини содир этган.

*Ўтказилган судга оид кимёвий экспертизанинг 2024 йил 14 январдаги №106-сонли хулосасига кўра, М.Қаршиевнинг хонадонидан аниқланган 13 дона шаффоф рангли полиэтилен пакет ўрамида бўлган қўнғир рангли, ўткир ҳидли сақичсимон модда таркибида фаол гиёванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, оғирлиги 10.79 грамм бўлган гашиш гиёвандлик моддаси эканлиги; хонадонидан аниқланган 3 дона полиэтилен*



*пакет ичида қўнғир рангли, ўткир ҳидли, мумсимон модда таркибида гиёванд алкалоидлар-морфин, кодеин, тебаин, мавжуд бўлиб, оғирлиги 5.92 грамм бўлган опий гиёвандлик моддаси эканлиги аниқланган.*

Кассация шикоятда адвокат Н.Тошматов, М.Қаршиевни ҳаракатларида ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд эмаслигини, бирор шахсга ўтказиш нияти бўлмаганлигини, хонадонидан топилган тарози турмуш ўртоғига тегишли эканлигини ҳамда ишдаги енгиллаштирувчи ҳолатларини инобатга олиб, туман судининг хукмини бекор қилиб, М.Қаршиевнинг ҳаракатларини ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмига қайта малакалаб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Кассация инстанция суди, иш бўйича судья М.Тургунованинг маърузасини, прокурор У.Мухсимовнинг суд хукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, М.Қаршиев ва унинг адвокати Н.Тошматовнинг келтирилган шикоятини қаноатлантиришни сўраб берган фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни текшириб, жиноят иши ҳужжатларини тафтиш қилиб, қуйидагиларга асосан хукми ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди, иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабига мувофиқ, жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Кассация инстанция суди судланган М.Қаршиевнинг айби ўзининг айбига қисман иқдорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, билдирги, далилий ашёни олиш баённомаси, тушунтириш хатлари, судга оид кимёвий экспертиза хулосаси, судга оид нарकोлогия экспертиза хулосаси, нарсани ашёвий далил деб топиш тўғрисидаги қарор ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ текширилган далиллар билан тасдиқланади.

Кассация инстанцияси шикоятдаги - М.Қаршиевни ҳаракатларида ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги, бирор шахсга ўтказиш нияти бўлмаганлиги, хонадонидан топилган тарози турмуш ўртоғига тегишли эканлиги ҳақидаги важлари жиноят иши ҳужжатлари билан муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади:

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарорининг:

- 21-бандида “ЖК 273-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни турлича усулда ҳақ эвазига



ёки текинга (сотииш, ҳадя этиш, алмаштириш, қарзи эвазига ёки қарз сифатида ва ҳ.к.) бошқа шахсга бериш тушунилиши лозим. Бунда воситалар, моддалар, ўсимликлар шахс томонидан бевосита ёки бошқа (масалан, улар сақланадиган жой ҳақида хабар бериш, шартлашилган жойга қўйиб кетиш) усулда амалга оширилиши мумкин”;

- Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишининг энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш ЖК 273-моддасининг бешинчи қисми билан квалификация қилиниши лозим. Мазкур восита ёки моддаларни кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш ЖК 273-моддасининг бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлади;

- 25-бандида “Айбдорда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишида, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозим. Бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишида махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар киради. Иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши керак” деб кўрсатилган.

Судда аниқланган ва текширилган далилларга кўра, айбловнинг иккинчи эпизоди бўйича М.Қаршиев яшаш манзили бўлган, Чилонзор тумани, Алгоритм мавзеси, 18-уй, 801-хонадондаги ётоқхонаси кичик жавон (тумбочка)нинг тортмасидан 15 дона шаффоф рангли полиэтилен пакет ўрамида бўлган кўнғир рангли, ўткир ҳидли, соф вазни 10,79 грамм бўлган гашиш гиёвандлик воситаси, хонадон ошхонасидаги музлатгичдан бир дона шаффоф рангли полиэтилен пакет ичида кўнғир рангли ўткир ҳидли мумсимон модда соф вазни 5,92 грамм бўлган опий гиёвандлик воситасини, бир дона 50 граммлик тарози тоши, 1 дона қора рангли электрон тарози аниқланган.

Бундан ташқари, судланувчи М.Қаршиев суд наркологик экспертизасининг 2024 йил 2 февралда берган №227-сонли далолатномасига кўра, гиёвандлик касаллигига чалинмаганини ва даволанишга муҳтож эмаслиги аниқланган.

Шу билан бирга, судланувчи М.Қаршиевнинг хонадонидан топилган 1 дона қора рангли электрон тарози унинг турмуш ўртоғига тегишлилигини тасдиқловчи бирон маълумот мавжуд эмас. Аксинча М.Қаршиев содир этган жинояти учун судланганидан кейин ўзини қисматини енгиллаштириш



мақсадида келтирилган важ деб баҳолайди.

Бу ҳолда, кассация инстанцияси шикоятда келтирилган важлар юқорида келтирилган объектив далиллар мажмуи билан тўлиқ рад этилади деб ҳисоблайди.

Кассация инстанция суди маҳкум М.Қаршиевнинг жиноий ҳаракатларини квалификациясини муҳокама қилиб, биринчи инстанция суди томонидан унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддасининг 1-қисми ва 25,273-моддасининг 5-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида, “Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади”, деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти, айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖКнинг 15-моддаси) киритилганлиги билан белгилади” деб кўрсатилган.

Кассация инстанция суди судланган М.Қаршиевга нисбатан жазо тайинлашда, биринчи инстанция суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, жазонинг енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлари, яъни айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, оилавий шароитини, айбли деб топилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, тайинланадиган жазонинг судланувчини қайта тарбияланишига ва оиласининг яшаш шароитига таъсирини инобатга олиб, унга нисбатан айбдор деб топилган моддалар санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳақида қонуний тўхтамга келган деб топади.

Бундай ҳолда, кассация инстанция суди ҳукми ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд бўлмаганлиги сабабли келтирилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509<sup>9</sup>, 509<sup>10</sup>-моддаларига амал қилиб, кассация инстанция суди

#### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2024 йил 16 апрелдаги Қаршиев Музаффар Очилович (Qarshiyev Muzaffar Ochilovich)га оид ҳукми ўзгаришсиз қолдирилсин.



Келтирилган кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.  
Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси  
ЖПКнинг 510-моддаси тартибида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари  
бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят бериш ёки протест  
билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:** (имзо) **С.Махаметов**

**Ҳайъат судьялари:** (имзо) **Т.Касимов**

(имзо) **М.Тургунова**  
Аслига тўғри.

